

# ЖАЛД СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 25 август  
шанба  
Соғувда эркин нархда  
№ 170-171 (2732-2733)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## УЛУҒЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ ЗАВОЛ КЎРМАГАЙ



### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВОЙИ ШАҲРИДА АЛИШЕР НАВОЙИ ЁДГОРЛИК МАЖМУИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар! Аввало, бугунги унутилмас воқеа — халқимизнинг буюк фарзанди, улуг шoir ва мутафаккир Алишер Навоийга бағишланган бунёд этилган ёдгорлик мажмуининг очилиши маросимида сизлар билан учрашиб турганимдан гоят мамнун эканлигимни изҳор этмоқчиман.

Хурматли юрдошлар! Бугун, Ўзбекистонимиз истиқлолининг ўн йиллигини нишонлаш арафасида, Навоий номи билан аталган, бу муборак номни шараф ва ифтихор билан баланд кўтариб, эъозлаб келаятган вилоят ва шаҳарнинг қоқ марказида буюк бобомизнинг мухташам ҳайкали ўрнақли тарихида бежиз эмас, албатта. Бугунги қувончли воқеанинг иштирокчилари — бепоян Захро бағрида Навоий ва Сарафшон, Учқудук каби шаҳарларни бунёд этган, олтин, қумуш, пахта, галла, қоракўл сингари нобб бойликларнинг макони бўлган саховатли заминда яшаётган, ўз юртини обод қилиш йўлида астойдил меҳнат қилаётган одамлар Навоий бобомизга бамиоси таъзим қилиб, чекиз ҳурмат-эҳтиромини бажо этмоқда.

Бугун барча соҳаларда — дунёда мисли йўқ конларимиз, саноат корхоналари бўладими, бепоян пахта далалари, кенг яловлар бўладими — ҳамма жойда фидокорона меҳнат қилаётган инсонлар тимсолида Навоий ҳавас қилган ҳаёт намуналарини кўриб турганимизда, унинг орзу-умидлари бизнинг қўнларимизда рўёбга чиқаётганида ўзига хос маъно-мазмун бор.

Ушбу воқеа яна шуниси билан эътиборлики, халқимиз, миллатимизнинг буюк инсон, улуг мутафаккир Алишер Навоий сиймосини асрлар давомида эъозлаб, унга изҳор этиб келаятган севги-содқоқати айнан мустақил юртимизда ўзининг ёрқин ифодадини топмоқда, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Ўзбекистон истиқлолга эришган 1991 йилни Навоий йили деб эълон қилганимиз, ўша унутилмас кунларда бобомиз руҳини шод этиш мақсадида азим пойтахтимиз Тошкентда ул зотнинг табаррук номида Миллий бог барпо этиб,

Неча асрдирки, буюк шoir ва улуг мутафаккир Алишер Навоий номи тилдан тушмайди. Асарлари ҳамиша мутолаада, олам олимларининг тадқиқотларида. Тарих улуг инсонларни кўп кўрган. Навоий эса буюкларнинг буюги, миллат тимсолидир.



Кўшни беркитиб бўлмаганидек, миллат йўлини ёритиб турган қалби кўш инсонларни ҳам тарих сахнасида, халқ хотирасидан асло ўчириб бўлмайди. Нене мустақил давлатлар ҳам улуг Навоий даҳоси олдига ожиз қолгани рост. Аммо яқин ўтмиш таърихидан маълумки, мустақил тузум халқининг буюк руҳини сўндириш учун унинг тарихида ўтган улуг инсонларни бор бўй-баши билан кўрсатмасликка жад қилади. Бундай таъвоудан улуг Навоий ҳам четда қолмади. Шаҳси, ҳаёти ва ижоди бўзиб, бир ёқлама талқин қилинди. Нодир асарлари узиб-юлиб нашр этилди. Улуг шoirнинг улкан меросини усталик билан келажак авлод қалбидан беғоналаштириш, сунъий зиддиятлар тўқиб чиқариш орқали ўз сийосатига мослаб талқин этиш йўлидан борилди.

Фақат истиқлол шарофати туғайли тарихимизда ўтган бошқа буюк аждоғларимиз сингари Алишер Навоий ҳам халқимиз кўз ўнгиде бор улуглиги билан қайта намоян бўлди. Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов ташаббуси билан Мустақилликнинг дастлабки йили озод Ватанимиз сўлоماسида Навоий йили сифатида шарофланди. Пойтахтимиз марказида Навоий номидаги Миллий бог барпо этилди. Ёнг муҳим, улуг шoir меросини бутун қўламини билан, ҳар томонлама кенг ўргатиш, бу борада тарихий адолатни қарор топтириш учун имкон яратилди. Навоий ҳар бир хонадонга чинакам маънода кириб кела бошлади.

Президентимизнинг бундан икки йил муқаддам Навоий вилоятига қилган сафари, айтиш мумкинки, улуг бобомиз хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш солломасида яна бир янги саҳифа очилди. Давлатимиз раҳбари ушунда навоийликлар билан бўлган учрашувда, ҳадемай улуг бобомизнинг 560 йиллик тўйи нишонлангани, шу муносабат билан шаҳарда ҳазрат номи билан аталувчи бог барпо этилиши ва улугвор ҳайкал қўрилуши ҳақида сўзлаган эди. Шундай эзгу ният бугун рўёбга чиқди. Навоий даъвоида гўзал боғ, кўлгўз зейратгоҳ бунёд этилди, улугвор ҳайкал қад ростланди.

Бу ҳайкал ишларининг бош ташаббускори — Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов 24 август кунини боғининг очилиш маросимида қатнашиш учун Навоий шаҳрига таширф бў-

юрди. Муқаддас жума кунини муқаддас ҳазрат Навоий зейратгоҳи ҳукумат, вилоят маъмурияти вакиллари, илм-фан, адабиёт ва санъат намояндлари, оқсоқоллар келди.

Халқимизнинг азалий анъанасига қўра боғда шоир тортиди. Бобокалон шoirимиз ҳақида Куръон тиловат қилинди.

Навоийликлар ва меҳмонлар Навоий ҳайкали пойида тўпланди.

Тантанали маросимни Навоий вилояти ҳокими Ғ.Дилов очди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовга берилди.

Давлатимиз раҳбари Навоийнинг номи ва ижодий мероси абадийлиги, иқтидорини эса на макон ва на замон билан чегаралаб бўлмағлигини таъкидлади.

Маросимда Ўзбекистон халқ шoirи, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, Жаҳон тиллари университетининг I курс талабаси Зебунисо Эсонова сўзга чиқиб, истиқлол шарофати билан Алишер Навоий юртининг ҳақиқий тимсолига айланганини, бу борадаги хайрли ишлар амалга оширишда Президент Ислам Каримовнинг хизматлари беқиёс эканлигини таъкидлади. Навоийлик таниқли адабиётшунос Ҳамид Мавлонов Амир Темиргўли қайси юрт ҳукмдори шoirларини изласа, ўша юрт обод бўлур, деган сўзларини келтириб, илк бошлайёқ Соҳибқироннинг “Куч алолатдадур” деган ақидасини ўз сийосатининг асоси этиб белгилган Ислам Каримовга миннатдорлик билдирди. Шoirа Наталья Панова Навоийнинг русчага ўтирилган таржибандларидан ўқиди.

Алишер Навоийнинг муаззам ҳайкалининг тошкентлик истеъодли ҳайкалтарош Анвар Раҳматуллаев мезмюр Баҳром Абдуллаев ҳамда ҳайкалтарош Павел Полозиников билан ҳамкорликда ишлаган. Улугвор ҳайкал ёнида бир ярим минг ўғрилган-тўғрил эмас, поғона-поғона кўтарилиб бориб унга яқинлашишда чуқур рамзий маъно бор, — деди Ислам Каримов. — Ҳар бир зинага оёқ босилганда, Навоий даражасига етишга интилиш, бобокалонимизга муносиб бўлиш ҳисси ўйғонади. Ҳайкал пойдеворини кўтаришининг яна бир муҳимлиги шундаки,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз маънавияти ва маданиятини юксалтириш, юртимизнинг халқаро миқёсда нуфузини ошириш ишга қўшган салмоқли ҳиссаси, ўз ижоди, илмий фаолияти, эл-юртга ҳалол хизмати билан обрў-эътибор қозонгани, фан, таълим, адабиёт, санъат, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт ва бошқа ижтимоий соҳаларда кўп йиллардан бунён самарали меҳнат қилиб келаятганини эътиборга олиб ҳақда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фарий унвонлар берилсин:

- “Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби”  
Абдуллаев Садулла Асадуллаевич — Камолидин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти профессори, рангтаъсирчи  
Раҳимов Ҳабибулла Ғайбуллаевич — Ўзбекистон Баскакторлар уюшмаси раисининг ўринбосари, баскактор
- “Ўзбекистон Республикаси фан арбоби”  
Абдуразақов Абдуғани — Камолидин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти кафедра мудири, профессор  
Ашуров Мухсинжон Хурмович — “Фонон” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, академик  
Бушуй Анатолий Михайлович — Самарқанд давлат чет тиллар институти “Таржима ва тиллар” кафедраси профессори  
Пратов Уктам Пратович — Фанлар академияси “Ботаника” илмий-ишлаб чиқариш маркази лаборатория мудири  
Ўрипов Асом — Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти стажир илмий ходими
- “Ўзбекистон Республикаси халқ артисти”  
Икромов Дилдорхан (Дилбар Икромов) — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актёри  
Садуллаев Лутфулла Убайдуллаевич — Республика ёш томошабинлар театри актёри  
Файзов Фарзиддин Зайидинович — Мухсиний номидаги ўзбек давлат музика театри актёри  
Ҳайдаров Нуриддин Исмаилович — “Ўзбекистон” эстрада бирлашмаси хонандаси
- “Ўзбекистон Республикаси халқ бaхшиси”  
Нарметов Рўзмиёб (Қаландар бахши) — Хоразм вилояти Шовот тумани “Авазхон” достончилик ансамбли бaдиий раҳбари  
Раҳимов Қаҳқор (Қаҳқор бахши) — Қашқадарь вилояти Деҳқонобод тумани
- “Ўзбекистон Республикаси халқ ифтихори”  
Арипов Дилшод Ҳакимжонович — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг юнон-рум кураш бўйича спортчи-йўриқчиси  
Мансуров Дилшод Исмаилович — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг эркин кураш бўйича спортчи-йўриқчиси  
Мухторов Дилшод Тўроевич — Мулоффа вазирилик Марказий ҳарбий спорт клубининг ҳарбий хизматчиси  
Самлов Рустам Тўхтасинович — Марказий ҳарбий спорт клубининг бокс бўйича йўриқчиси  
Тулаганова Ирода Ботировна — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг тегиш бўйича спортчи-йўриқчиси  
Усмонов Ботир Махмуджонович — Самарқанд шаҳар республика олимпия ўринбосарлари билим юрти ўқувчиси, оғир атлетика бўйича 3 қарра Осиё чемпиони

(Давоми 2-3-бетларда).

### Иккинчи чақирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олтинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси 2001 йил 25 август кунини эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилди.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 28 август кунини соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинди.

### Сийёсий партияларнинг Олий Мажлиси депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига қирадиган депутатлар диққатига

27 август кунини соат 15.00 да “Аюлат” социал-демократик партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси ва Фидокорлар миллий демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари Олий Мажлисида, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида бўлади.

28 август кунини Олий Мажлисида соат 11.00 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлиси депутатлари блоқи ҳамда соат 14.30 да — ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлиси депутатлари блоқи йиғилишлари бўлади.

(Давоми 3-бетда).

(Давоми 3-бетда).









## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TASHKI IKTISODIIY FAOLIYAT MILLIY BANKI

2001 йилда жаҳондаги энг йирик 1000 банк орасида 403-ўринни ва дунёда ишончилиги (BIS рейтинги) бўйича 2-ўринни эгаллаган.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ВА  
«ЎЗМИЛЛИЙБАНК» TASHKI ETILGANLIGINING  
10 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА

аҳоли муддатли омонатларининг барча турлари бўйича, шунингдек, «Сўм карточкаси» омонатлари бўйича ставкаларни 2001 йил 3 августдан 2 октябрга қадар 10 фоиз оширади


ва ишончли замонавий ҳисоб-китоб воситаси — «Ўзмиллийбанк» сўм карточкасини бепул олишдек ноёб имкониятни таклиф этади.

**Миллий банк, «Асака» банки ва «Пахтабанк» ўз тўлов тизимларини бирлаштириб, сўм карточкаларига биргаликда хизмат кўрсата бошладилар:**

- ҳисобварақ қаерда очилган бўлишдан қатъи назар, «Ўзмиллийбанк» сўм карточкаларидан банкомат орқали ҳам, Миллий банк, «Асака» банки, шунингдек, «Пахтабанк»нинг исталган муассасалари кассалари орқали ҳам ҳар доим нақд пул олиш мумкин;
- «Ўзмиллийбанк» карточкалари супермаркетларда, дўконлар, ресторанлар, маиший хизмат корхоналари, уяли алоқа компаниялари, авиа ва темир йўл кассалари, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларида тўлов воситаси сифатида қабул қилинади.

**«Ўзмиллийбанк» сўм карточкаларининг эгаларига ҳаёт ва саломатликларини бепул суғурталаш имкони берилади.**

**«Сўм карточкаси» омонати юбилей мукофотли ўйнида иштирок этади!**



Сиз қўшимча маълумотларни (998 71) 137-62-83, 137-62-81 телефонлар орқали ёки банкимизнинг исталган муассасасидан олишингиз мумкин. [www.nbu.com](http://www.nbu.com)

**ГУРЛАН  
ТУМАНИДАГИ**

**«ГУРЛАН»**

**АКЦИОНЕРЛИК  
ЖАМИЯТИ**

**барча ватандошларни**

**Мустақилликнинг 10 йиллик шодиёнаси  
билан чин қалбдан туборакбод этади.**

Мустақиллик айёми — энг азиз, энг улуғ байрам. Зеро, Озодлик тўғрисида биз ўзимизнинг ёруғ йўлимизни топдик. Асрий орзуларимиз рўёбга чиқмоқда. Янги аср бошида бунёдкор халқимиз, озод Ватанимиз келажакка ишонч билан боқамиз.

Чунки бизга бу ишончни муқаддас тарихимиз, бугунги ёруғ кунларимиз бағишламоқда.

**Азиз юртдошлар!**

Бизнинг жамоамиз ҳам мана шу байрамдаги кунлариди юксак кўтаринки руҳ билан меҳнат қилимоқда.

Сизларни улуғ айём билан қутлар эканмиз, мана шундай ҳаяжонли ва қутлуғ дақиқалар ҳамини ҳамроҳингиз бўлишини тилаймиз. Жаннатликон юртимиз сонда гуллаб-яшнаши йўлидаги меҳнатингизда зафарлар ёр бўлсин.

**Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!**

«Гурлан» акционерлик жамияти.  
Тел.: (362) 365-28-95, 365-29-07.



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI MA'YUM QILADI:**

(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати туғрисида 2001 йил 6 августдан 11 августгача бўлган маълумот)

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 19 июлдаги 322-сон «Беморнинг уй-жой майдони кўпайтирилиши мумкин бўлган айрим оғир турдаги сурункали касалликларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» буйруғи.

2001 йил 10 августда 1060-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 20 августдан кучга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг 2001 йил 10 августдаги 01/06-16-сон «Кўшимча инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига акциядорлик жамиятларининг устав фондларини ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» қарори.

2001 йил 11 августда 1061-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 21 августдан кучга кирди).

**II. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:**

1. Ер ресурслари давлат қўмитаси, Ўзгеодезадастр ва Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг «Ўзбекистон Республикасида ерларни мониторинг қилиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида» қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужжат суди, Марказий банк ва Давлат солиқ қўмитасининг «Ҳужжат судлари томонидан тижорат банклари ва уларнинг миқозлари ўртасидаги шартномавий мажбуриятларнинг бузилишига оид низоларни кўриб чиқиш, ҳужжат суди қарорларини банклар ва солиқ идоралари томонидан ижро этиш ҳамда ҳисобот юритиш ва умумлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг «Монополист бирлашмалар (корхоналар)нинг Давлат реестрини тузиш ва юритиш тартибини тасдиқлаш ҳақида» қарори.

Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қондалар мавжуд ёки улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат рўйхати-

дан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг ҳулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.

**III. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Валюта банкларда чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» қарори (янги таҳрирда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Тижорат банкларида чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун лицензиялар бериш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Валюта банкларда норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қарори.

4. Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги ва Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат назоратининг «Ўзбекистон Республикаси ҳаво йўллари бўйича почта ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Қайта молиялаш кредитларини бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ва «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Харажатлар таркибини аниқлаш ҳамда уй-жойларнинг 1 кв. метрини таъминлаш ва ишла-тиш учун тўлов тарифларини шакллантиришда рента-белкининг чекланган даражасини амалга киритиш бўйича низомни тасдиқлаш тўғрисида» қарори.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.

Саволлар ва тақлифлар учун телефонлар:  
133-38-67, 132-00-28

**«ШҮРЧИ ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ»**

**ҳиссадорлик жамияти**

Омборингиз ҳамisha дондан,  
дастурхонингиз доимо нондан  
тўлиқ бўлсин, азиз юртдошлар!

**Шароф Рашидов номли  
«Шүрчи дон маҳсулотлари»  
ҳиссадорлик жамияти  
республика фуқароларини  
Мустақилликнинг муборак  
10 йиллик байрами билан  
қизгин табриклайди.**

**Жамият аъзолари мамлакатнинг дон  
мустақиллигига эришувидек қутлуғ  
ишга ўзларининг муносиб  
ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар,  
Ишлаб чиқаришга хориж  
технологияси жорий этилди,  
Меҳнатни илмий асосда ташкил  
этишга эришилди.**



Корхонанинг  
ишчи-хизматчилари бугун  
иқтисодий ислохотларнинг  
самараларидан бахраманд.

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ БЕРГАН САОДАТ  
ҲАММАНГИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

қуйидаги ихтисослар бўйича 2001 йил учун

**АСПИРАНТУРА ва ДОКТОРАНТУРАГА**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**АСПИРАНТУРА**

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун: математик анализ; дифференциал тенгламалар; геометрия ва топология; эҳтимоллар назарияси ва математик статистика; математик логика, алгебра ва сонлар назарияси; математик кибернетика; назарий механика; суюқлик, газ ва плазма механикаси; назарий физика; радиофизика; физикавий электроника; оптика; қаттиқ жисм физикаси; ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси; электрофизика; атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси; аналитик кимё; органик кимё; физик кимё; юқори молекуляр бирикмалар кимёси; биоорганик кимё; табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси; биофизика; ботаника; зоология; тупроқшунослик; гидрогеология; илмий тадқиқотларда ҳисоблаш техникаси, математик моделлаштириш ва математик усулларни қўллаш; Ўзбекистон тарихи; археология; иқтисодий назария; диалектика ва билиш назарияси; эстетика; дин ва хурфикрлилик фалсафаси; табиятшунослик ва техниканинг фалсафий масалалари; ижтимоий фалсафа; ҳозирги миллий адабиёт; миллий адабиёт тарихи; журналистика; миллий тиллар (ўзбек тили); миллий тиллар (рус тили); герман тиллари; қиёсий-тарихий, типологик ва қиёсий тилшунослик, таржима назарияси; иқтисодий ва ижтимоий география; ўқитиш назарияси ва услубияти; педагогик ва ёш психологияси; социология назарияси, услубияти ва тарихи; сиёсий фан назарияси ва тарихи.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун: зоология; археология; эстетика; дин ва хурфикрлилик фалсафаси; ижтимоий фалсафа; ҳозирги миллий адабиёт; миллий адабиёт тарихи; журналистика; қиёсий-тарихий; типологик ва қиёсий тилшунослик, таржима назарияси.

**ДОКТОРАНТУРА**

Математик анализ; дифференциал тенгламалар; назарий физика; ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси; биофизика; Ўзбекистон тарихи; дин ва хурфикрлилик фалсафаси; ижтимоий фалсафа; ҳозирги миллий адабиёт; миллий тиллар, қиёсий-тарихий; типологик ва қиёсий тилшунослик, таржима назарияси; иқтисодий ва ижтимоий география.

Ҳужжатларни қабул қилиш мuddати 2001 йил 20 сентябргача.

Маълумотларни олиш учун университетнинг аспирантура бўлимига:

Тошкент шаҳри, Олий ўқув юртлари шаҳарчаси,  
маъмурий бино, 11-қavat, 113-хонага мурожаат қилинг.  
Телефонлар: 46-74-35, 46-54-07.

«American Oilseeds and Grains» чет эл корхонасининг низом жамғармаси 1135944,40 АҚШ доллари-га камайтирилади.

Республика Қўчас мулк биржаси аукцион савдоларига қўйилган Сирдарё вилояти, Сирдарё шаҳри, Туркистон кўчаси, 1-уйда жойлашган Автомобилларни газ билан тўлдирish компрессор станцияси ўтган ҳафтада ўтказилган биржа савдосида сотилди.

«Самарқандтранс» юк ва йўловчи ташиш уюшмасига қарашли Самарқанддаги 2522 автокартонига юк ташиш учун 26.07.1996 йида берилган АТ № 0000560 рақамли лицензия йўқолиши сабабли бекор қилинди.

Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий таркиби қўмита раиси ўткир Комиловга волидан муҳтарамаси **Жамила ян КОМИЛОВА**нинг вафот этганини муносабат билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодиёт институти жамоаси соhib илмий ходим, иқтисод фанлари номзоли Раъно Хасановага онаси **ШАҲОДАТ** янинг вафот этганини муносабат билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита жамоаси Давлат божхона қўмитаси раиси У. Комиловга волидан муҳтарамаси **ЖАМИЛА** янинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдирди.

Саноатда ва қончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги бурқозонларини ва кўтариш иш-шоотларини назорат қилиш инспекциясининг етакчи мутахассиси, давлат инспектори **Абдурамажид Жўраевга** умр йўлоши **Матлуба ЖУРАЕВ** янинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

**«ОЛТИНСОЙ ШАРОБИ»**  
очик турдаги акциядорлик жамияти  
ЖАМОАСИ  
Ўзбекистон халқини тарихий ва  
қутлуғ шодиёна —  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ  
**10**  
ЙИЛЛИГИ  
муносабати  
билан самимий  
муборакбод этади!  
Барчангизнинг хонадонингизга тинчлик,  
бахт, фаровонлик, эзгу ишларингизга  
улкан зафарлар тилайди!  
Истиқлол байрамингиз муборак бўлсин,  
азиз юртдошлар!

«Ватан ягонадир, Ватан биттадир» танловига

# Шаҳидтепа

Ўттизинчи йиллар... Ёш бола эдик...  
Бот-бот эса тушиб, бағрим қилар хун;  
Шаҳарнинг чеккаси... Сирли тепалик...  
Фарёд тараларди ундан ярим тун.

Асабий кечалар... Оталар диллар...  
Юраклар чок-чокдан сўқилар эди.  
Ўқлардан тун бағри титраганда зир,  
Юлдузлар кўз ёшдек тўқилар эди.

Биз машум тепага чиқардик тоғлар,  
Унутиб кўрковни, билмай сабри.  
Хар гап кўзимиздан ўчарди ранлар,  
Кўриб унда янги чоғни — қабри.

Хайҳот, димоғларга қон иси тўлиб,  
Ачиқ сирдибодда дўғарди хайт,  
Кимнингдир оёғи, кимнингдир кўли  
Чиқиб ётар эди тунроқдан, хайҳот!

Мурғак ағуждарга юзуртириб муз,  
Катталар қиларди мунгли тиловат.  
Ахир, шул фожелар ёдимда ҳануз,  
Қадоқ дейди — ўтган ишга саловат.

Дасти қон салтанат, нафратим сенга,  
Уртар юрагимни теран уч-алам.  
Дерларки, худди шу тепалик узра  
Отмишлар кўксидан Қодирийни ҳам!

Мудом хотирамда янғар — билмас тил  
Ўқ саси... фарёд... — бу сўнг сўзлар балки.  
Не сўз эди улар — айта олур ким?  
Сўраб кўринг, эслар юлдузлар балки.

Жазоба касб этар хўрлик ва ситам,  
Тортқилар хаёли энтиққан туйғу...  
Кўнглим, у кунларни кўнсама ҳеч ҳам,  
Кунинг кишигага кўйган меҳри бу.

Кўрганмисиз — қадрин унутган, ҳоксор,  
Тили қисик, бўйни эгик одамни?



Менгаш мумкин ўшал кимсага — абгор  
Истибод жабричи чеккан Ватанини.

Не бахт, юрт сурури ўзгача энди,  
Болам тақдирдан мен очмасан фол.  
Энг хуррам орзулар мужассам сенда,  
Шу боис азизсан менга, Истиқлол!

Бошга ғам сояси тушиб турган кез  
Чорасиз боқурмиз, гангиб дафтан.  
Қолбуки уроқча эмас қайғумиз  
Сен чеккан туссалар олдиди, Ватан!

Юракли шодликлар чулганган зумда  
Олам жилва қилар бирам боқира.  
Лекин нур балқимаса, Ватан, юзингда,  
Бизга севиңлар ҳам татимас сира.

Истаймиз, о, мангу қолмоқликни биз,  
Аслда бу фақат, Ватан, сенга хос.  
Сенинг бағрингдаги кечган умримиз  
Киприк қоққанчалик лаҳзадир, ҳолос.

Мирпўлат МИРЗО.

## Гурур

Мустақиллик байрами муносабати билан маҳаллада тортиладиган наҳорги ошга тақлифнома беришди. Шу баҳона сабаб марҳум шоир Муҳаммад Юсуф (Оллоҳ унинг жойини жаннатдан қилсин) сўзлаб берган бир воқеа эсимга тушди:  
— Чекка қишлоқда яшайдиган қадрдон дўстим ҳар йили август ойида меҳмонга чақирарди. Бир йили бора олмамиз, иккинчи йил ҳам ўзим билан ўзим Ураллашиб қолдим. Учинчи йили ҳамма ишни йиғиштириб, дўстимнинг йиғинига бордим. Чоғроққина ҳовлида одам гажум. Ашула авжда. Қадрдонимиз ясаниб олган. Та-возе билан меҳмонларни кутиб, миннатдорчилик билдириб, кузатиб қўймоқда. Туймикин, деб ўйлайман. Йўқ, ҳар йили бир вақтда тўй қилмас. Туылган кунмикин?! Вазиятни билиш учун янган гапга солдим.  
— Бу кишим шунақалар. Топганлари рўзгорга учма уч етади, тузукроқ нарсая орттирганмиш ҳам йўқ. Шундай бўлса-да, ҳар йили ўттиз-қирқ кило гуруч дамлаб, Мустақиллик шарофати, деб маҳаллага ош берадилар.  
Вужудим яйраб кетди. Қадрдонимга қараб турибман, кўз олдиди унинг буйбаста, қалди-қомати улғуворлашиб кетди, — деб сўзини тутатгани Муҳаммадхон.  
Яқинда бир гап эшитдим: бу йил ҳам шоирнинг қадрони маҳалла дошқозонини тўлириб, юртга ош беришга таралдул кўраётган экан.  
... Айтсалар, борамиз.

## Тафаккурни ўзгартирган йиллар

Ўн йил муқаллам қишлоғимизга чет элдан мухбир

келди. Мен уни ва тилмочни номдор ҳўжалигимизга бошлаб бордим. Раис гапга чечан. Ҳар хил тонфа меҳмонларни кута-вериб, кўзи пишиб кетган. Ҳар сафар ёллаб олган гапларини маблағ бериладими?  
Биз саволга тушунмадик. Тилмоч яна қайтарди. Раис ёрдам сўрагандек менга қаради. Елкамини қисдим. Вазиятдан чиқиш учун: «Ҳа, дея-

## Истиқлол лавҳалари

### «Чойни қайтаринг!..»

Зиёфатда ажнабий меҳмон

Ўрганмаган қўлда ош турмас экан. Шундай бўлса ҳам, амаллаб иштаҳа билан таом еди.

— Яқши-и, яқши-и, — деди «и» ҳарфини чўзиб. Сунтра қоғоз-қалам олиб, палов тайёрлаш жараёнини сўрашга тушди. «Юртимда ош қиламан, қўлда ош ейишни ўрганман», деди.  
Тасодифни қарангки, ордан йил ўтиб, яна ўша хонадонда яна ўша меҳмон билан ёнма-ён ўтириб қолдик. Энди у ўзбек тилини анча яқши ўзлаштирганди. Ошни ҳам қўлда маромига етказиб ошарди.

Ошдан кейин чой келди. Чойнакни қўлимга олдим. Шу асно бир латифаомуз гап ёдимга тушди. Чойхонада ўтирган ўзбекларнинг чойни уч марта қайтарганини кузатган бир ажнабий, нима учун булар пиёгани чойиб, яна чойнакка қайтариб солишди, деб ҳайрон қолган экан. Шу гап меҳмоннинг уйига келмаслиги учун атай чойни қайтармадим.

— Чойни қайтаринг, — деди меҳмон. — Бир қайтарсанг — чой, уч қайтарсанг — мой...

Бироз мулзам бўлиб, чойни қайтардим.  
Мустақиллик дунёга халқимизнинг урф-одатлари, қадриятлари, ананаларини ҳам кўз-кўз қилаётганидан фахрландим...

Шу кетинда хориздан келган ҳар бир меҳмон «ўзбек» бўлиб борса, ажаб эмас.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ.

# Кўзмумнчоқ

Бундан икки йил аввал Тошкент аэропортида тасодифан бир ажнабий меҳмон билан гаплашиб қолдик. Самарқанддан, «Шарқ тароналари» фестивалидан қайтаётган экан. Таассуротларини ичига сиғдира олмайдди. Мақтанишга бир олам гапи бор. Уйига талайгина совға-саломлар олибди. Улар орасидан кўзмумнчоқ, чиройли безатилган туморларни олиб кўрсатди.  
— Буларнинг хосиятини тушунтириб беришди, — деди у. — Сизнинг юртингиз жаннатнинг ўзи. Унинг ҳамма қишлоқларига, ҳар бир гўшасига мана шундай кўзмумнчоқларни, кўзтуморларни осиб қўйинглр. Токи, бу юртга кўз тегмасин...  
Сўхбатдошимнинг фикрларидан росмана ҳайратландим. Шу гапларни ҳаммага етказмоқчи ҳам бўлдим. Кейин ўйлаб кўрдим: аслида, бу жаннатмакон юртининг ҳар бир гўшасига кўзмумнчоқ, кўзтумор тақши мушкул эмас. Лекин биз ҳаммамиз ва ҳар биримиз шу юрт учун кўзмумнчоқ, кўзтумор бўла олак, қошқийди...

бурро-бурро қилиб такоррлашдан бошлайди:

— Колхозимиз бундан эллик беш йил муқалдам ташкил топган. Ушанда ўн хонадон ўнга ҳўқизи, шунча оти билан ҳўжаликка аъзо бўлган эди. — Сўнг ўтган йилларда эришилган натижаларни эримай санайди ва гапини мағрур якунлайди: — Хуллас, ўтган давр мобайнида ҳўжалигимиз иқтисоди минг баробарга ошди.

Мухбир савол ташлайди. Таржимон уни рус тилига ағларди:  
— Мухбир сўраяптики, ҳўжалик ташкил этилган пайтда унга битта ҳўқи ва оти билан аъзо бўлган одам бугун аъзоликдан чиқиб кетса, унга мингта ҳўқи, шунча от ёки шу қийматга тенг миқдорда

ринг», — дедим.

— Колхозда шунча маблағнинг ўзи йўқ-ку! Эси борми бунингизни, — деди раис менга қараб, ўзбек тилида.

— Амаллашсиз, — дедим.  
— Мухбирга тушунтиринг. Шунча бўлмаса ҳам, фўзроғини беришга ҳаракат қиламиз.

Меҳмон билан таржимон жавобга тушунмади. Ўзаро нималаридир муҳокама қилиб, гудранишди. Кейин ўша ҳўжалик ҳақида нималар эзилди, бунисидан беҳабаримиз. Лекин ҳозир қишлоқда ширкат, пай, дивиденд деган иборалар тўлақонли ишлаётган пайтда бу воқеани эсласам, унғайсиз аҳволга тушаман. Аслида, ўша мухбирнинг эси бор экан...  
Мард бўлсанг, энди кел, хорижлик биродар!

билан ёнма-ён ўтириб қолдик. У ўзбек тилини бузиб-бузиб гапирса ҳам, ҳар қалай, фикрини тушунтира олар эди. Қадриятларимиз, урф-одатларимиз ҳақида сўхбатлашдик. Дастурхонга ош тортилди. Иккимизга бир лаганда ош келди. Меҳмон мулозамат кутмади. Шошиброқ лагандаги ошдан қошиқча кичкина ликобчага солди ва вилка билан ошалашга тушди. Ошпаз устаси фаранг эканми, гуручни ҳам дондона қилиб пиширибди. Гуруч вилкада турмай, тўкилиб кетаверди.

Мен қошиқни суриб қўйиб, ошни қўлда олдим. Меҳмон бир мулдат ҳаракатларини кўзатди. Сунтра олдидаги ликобчани, қошиқ-вилкани бир чеккага суриб, лаганга қўл чўзди.

**Азиз юртодошлар!**

**Мирзо Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғи жамоаси**

**Ўзбекистон халқини энг улуғ ва энг азиз айём - Истиқлолнинг 10 йиллиғи байрами билан чин кўнғилдан қутлайди.**

Шу қутлуғ кунлар арафасида сизларга узоқ умр, бахт-саодат, ҳашиша олад ва мустаҳкам саломатлик тилаймиз.

Муқаддас юртимизнинг шон-шўҳрати янада зиёда, диёришимиз тинч, осмонимиз доимо мусавфро бўлсин. Озодлик қуёши мангу порлайверсин!

**Қадрли қўстлар!**

Байрам шодиёналари кўни оромгоҳимиз жамоаси сизнинг хизматингизда бўлиб, кўнғилли ҳордиқ, чиқаришингизга ўз хиссасини қўйишига ҳозирлик кўрмоқда.

**Бозимизга ларзадат қилин!**

**«ЖАЛҚ СҮЗИ»**  
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Жалқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И. Худойёров, И. Шоғуломов, О. Қайиббергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001  
Буқорға Г — 2715, 23097 нусхада босилди,  
ҳўжми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган.  
Қоғоз бичими А—2  
Газета ИВМ компьютерда терилди ва операторлар  
Жамилд Тоғоев ва Зокир Болтаев  
томонидан саҳифаланди.  
Таҳририятда ҳўжми 5 қоғоздан зиёд  
материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Набатчи котиб — А. Орпнов.  
Набатчи муҳаррир — И. Худойёров.  
Набатчи — У. Файзиёва.  
Мусавҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41. Боснишга тошириш вақти—21.00 **топирилади: 23.00** 1 2 3 4 5 6